



2019 yil "02" декабрь № 6245

Ўзбекистон туманидаги 4К-916 "Ўқчи-Товар" автомобиль йўлининг 1 км.га таъқиқловчи (3.2) "Ҳаракатланиш таъқиқланган" ва буюрувчи 4.1.6 "Ҳаракатланиш ўнгга ёки чапга" йўл белгиларини ўрнатиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил, 15 сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда) нинг 5, 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати коидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 09/19/646/3508-сон) га мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибini ва фуқароларнинг осойишталигини сақлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғи А.Тошматовнинг туман ҳокимлигида 2019 йил 30 октябрь куни 1373-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон) нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ИИБ бошлиғи А. Тошматовнинг туман ҳокимлигида 2019 йил 30 октябр куни 1373-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмаси инобатга олинсин;
2. Ўзбекистон туманидаги 4К-916 "Ўқчи-Товар" автомобиль йўлининг 1 км.га таъқиқловчи (3.2) "Ҳаракатланиш таъқиқланган" ва буюрувчи 4.1.6 "Ҳаракатланиш ўнгга ёки чапга" йўл белгиларини ўрнатишга рухсат этилсин;
3. Ўзбекистон туман йўллардан фойдаланиш УК директори в.в.б Х.Турсуновга: 4К-916 "Ўқчи-Товар" автомобиль йўлининг 1 км.га таъқиқловчи (3.2) "Ҳаракатланиш таъқиқланган" ва буюрувчи 4.1.6 "Ҳаракатланиш ўнгга ёки чапга" йўл белгиларини ўрнатиб бериш вазифаси топширилсин;
4. "Яйпан овози" газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ўзбекистон туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари И. Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ. Джураев